

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАСИМОВА САХИБАХОН АБДУВАСИЛОВНА

**ҲОМИЛАДОРЛАРДА ЎТКИР АППЕНДИЦИТНИ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Касимова Сахибахон Абдувасиловна

Ҳомиладорларда ўткир аппендицитни хирургик даволаш натижаларини
яхшилаш йўллари..... 3

Касимова Сахибахон Абдувасиловна

Пути улучшения результатов хирургического лечения острого
аппендицита у беременных..... 30

Kasimova Sakhibakhon Abduvasilovna

Ways to improve the results of surgical treatment of acute appendicitis in
pregnants..... 56

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАСИМОВА САХИБАХОН АБДУВАСИЛОВНА

**ҲОМИЛАДОРЛАРДА ЎТКИР АППЕНДИЦИТНИ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Tib3215 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кадиров Шавкат Номонович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хакимов Мурод Шавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Яриев Алишер Алижанович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ кuni тарқатилди.

(2025 йил «__» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2020-йилда эълон қилинган сўнги маълумотларига кўра, Ўзбекистонда аппендицитдан ўлим умумий ўлимнинг 0,02 фоизини ташкил қилган. Ёшга қараб ўлим даражаси 100 000 аҳолига 0,11 ни ташкил этиб, Ўзбекистон дунёда 135-ўринни эгаллаган¹. Ўткир аппендицит ҳомиладорлик даврида акушерлик билан боғлиқ бўлмаган ўткир қориннинг энг кенг тарқалган сабаби бўлиб, тахминан 1500 ҳомиладор аёлдан бирида учрайди². Аппендицит ҳомиладорликнинг 2-триместрида биринчи ёки учинчи триместрига нисбатан кўпроқ учрайди. Ҳомиладорлик пайтида ўткир аппендицит билан касалланиш ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари хавфини ошириши мумкин. Хомиланинг йўқотилиши, одатда, 1-триместрда мураккаб аппендектомия ўтказилган аёлларнинг 3-15 фоизида содир бўлади. Бироқ, ушбу кўрсаткич 20-30 фоизга етиши мумкин, бунда муддатидан аввал туғилиш даражаси 15-45 фоизни ташкил этади ва спонтан аборт, шунингдек, перинатал касалланиш ҳамда ўлим хавфи сезиларли даражада ошади. Шу муносабат билан, ҳомиладорлик даврида ўткир аппендицитни ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштириш бугунги кунга қадар долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда кенг тарқалган жарроҳлик патологиялари, шу жумладан аппендицит билан оғриган ҳомиладор беморлар учун далилларга асосланган тиббиёт нуқтаи назаридан илмий асосланган клиник тавсияларни ишлаб чиқиш энг долзарб бўлиб қолмоқда, бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, улар орасида долзарблари аппендицитнинг яллиғланиш реакцияси шкаласининг диагностик аҳамиятини ҳамда ҳомиладорларда ўткир аппендицит учун магнит-резонанс томографияси маълумотлари билан клиник баҳолаш тизимларининг сезгирлиги ва ўзига хослигини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар ҳисобланади, шунингдек, мавжуд мета-таҳлиллар асосида ҳомиладорлик даврида аппендектомиянинг хавфсизлигини аниқлаш учун кўп марказли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари ташхислаш ва хирургик даволашнинг замонавий тамойиллари ва усулларини жорий этиш орқали ҳомиладор аёлларда ўткир жарроҳлик патологиясини даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан

¹ <https://www.worldlifeexpectancy.com/ru/uzbekistan-appendicitis>

² Yavuz Y, Sentürk M, Gümüş T, Patmano M. Acute appendicitis in pregnancy. Ulus Travma Acil Cerrahi Derg. 2021 Jan;27(1):85-88. English. doi: 10.14744/tjtes.2020.22792. PMID: 33394465.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳомиладорлик даврида ўткир аппендицитни ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштириш, ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти туфайли шошилиш хирургиянинг, ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида» ва 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон “Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўткир аппендицит (ЎА) қорин бўшлиғининг кенг тарқалган жарроҳлик касалликларидан бири бўлиб, жамият саломатлигини сақлашда бутун дунё бўйлаб жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда⁴. Ҳомиладор аёлларда ЎА жиддий касаллик ҳисобланади, чунки у она ва ҳомиланинг соғлиғига таҳдид солади, шунингдек ҳомиладорлик, туғиш ва туғруқдан кейинги даврда жарроҳлик, акушерлик, экстрагенитал ва перинатал асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Ўткир аппендицитни ўз вақтида ташхислаш жуда муҳим ҳисобланади, чунки кечикиш чувалчангсимон ўсимтанинг тешилиши туфайли она (1-4%) ва ҳомила ўлимига (1,5-35%) олиб келиши мумкин, аммо ҳомиладорлик даврида аппендицитни ташхислаш тегишли диагностик текширувларни талаб қиладиган анатомик, физиологик ва лаборатор кўрсаткичлардаги ўзгаришлар туфайли мураккаб ҳисобланади. Ўз вақтида оптимал танланган жарроҳлик тактикаси эса ҳомила ва она саломатлиги учун ижобий натижаларни таъминлайди. Ҳомиладорлик даврида кўп учрайдиган кўнгил айнаши, қусиш ва қорин оғриғи каби аломатлардан ташқари, лейкоцитлар сонининг ортиши ва рентгенологик усулларнинг чекланганлиги ўткир аппендицит ташхисини қийинлаштиради⁵. Зиганшин А.М. ва ҳаммуал. (2019) таъкидлашча, ЎА ни ташхислашнинг энг оддий ва диагностик жиҳатдан қимматли усули клиник ҳолатни баҳолаш ҳисобланади, бироқ ЎА нинг 100 дан ортиқ аломатлари ва белгилари тавсифланганига қарамай,

⁴ Guan L. et al. The global, regional, and national burden of appendicitis in 204 countries and territories, 1990-2019: a systematic analysis from the Global Burden of Disease Study 2019. BMC Gastroenterol. 2023 Feb 22;23(1):44.

⁵ Хасанов А.Г. и др. Диагностика и лечебная тактика при остром аппендиците у беременных с большими сроками гестации // Креативная хирургия и онкология. 2019; 9(2). С.100-105.

уларнинг ҳеч бири ҳомиладорлик ва туғиш даврида ёки туғруқдан кейинги даврда мустақил аҳамиятга эга эмас⁶. Kozan R. ва ҳаммуал. (2020) ўткир аппендицитга шубҳа қилинган ҳомиладор аёлларда клиник кўринишлар, жарроҳлик тактикалари ва асоратлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиб, ҳомиладорлик билан боғлиқ чекловчи омиллар ўткир аппендицит ташхисини мураккаблаштириши мумкин деган хулосага келган.

Ҳалқаро клиник тавсияларда ўткир аппендицитга шубҳа қилинган беморларни ташхислаш визуал диагностикадан фойдаланишни мақбуллаштириш ва ноўрин оператив аралашувларни олдини олиш учун баҳолашнинг клиник тизимлари асосида амалга оширилиши лозимлиги таъкидланган. Moltubak E. ва ҳаммуал. (2024) аппендицитнинг яллиғланиш реакцияси шкаласи (AIR) ва ультратовуш визуализациясининг диагностик аниқлигини ўрганиб, ушбу шкалани аппендицитга шубҳа бўлган ҳомиладорларда қўллаш мумкин деб ҳисоблайдилар⁷. Mantoglu B. (2020) ҳомиладорлик даврида ўткир аппендицитни ташхислаш учун қўлланиладиган энг оммавий 9 та баҳолаш тизимларини (Alvarado, Karaman, Lindberg, AIR, Ohmann, RIPASA, Fenyó-Eskelinen, Tzanakis, Lintula) таҳлил қилган ҳолда RIPASA шкаласидан фойдаланиш прогностик жиҳатдан 94,4% ҳолларда аҳамиятли эканлигини, аммо ҳомиладорлик даврида махсус баҳолаш тизими зарурлигини аниқлаган⁸.

Гарчи бир нечта тадқиқотларда ЎА да консерватив даволаш имкониятлари келтирилган бўлса-да^{9,10,11}, аппендектомия, айниқса ҳомиладор аёлларда стандарт даволаш стратегияси ҳисобланади¹². Хасанов А.Г. ва ҳаммуал. (2015) фикрича ҳомиладорликнинг I-триместрида Дяконов-Волкович кесмаси ёки лапароскопик аппендектомиядан фойдаланиш тавсия этилади, II-триместрида эса Ленандернинг параректал кесмасидан ёки узунлиги камида 8-9 см бўлган кенгайтирилган Дяконов-Волкович кесмаси ёрдамида аппендектомия амалга оширилиши лозим ва пневмоперитонеумнинг салбий таъсирини камайтириш учун лапароскоп ассистентлигидаги аралашувларни қўллаш мақсадга мувофиқ¹³. Kozan R. ва ҳаммуал. (2020) фикрича, лапароскопик аппендектомия хавфсиз даволаш усули бўлиб кўринса-да, унинг ҳомила йўқолишининг юқори хавфи билан

⁶ Зиганшин А.М., Кархани Х.М., Шарма Бхавна. Проблемы диагностики острого аппендицита у беременных женщин // Медицинский вестник Башкортостана. Том 14, № 1 (79), 2019. С.82-86.

⁷ Moltubak E, Landerholm K, Blomberg M, Andersson RE. Validation of the Appendicitis Inflammatory Response (AIR) score during pregnancy: A nested case-control study. Acad Emerg Med. 2024 Apr 10.

⁸ Mantoglu B. et al. Which appendicitis scoring system is most suitable for pregnant patients? A comparison of nine different systems. World J Emerg Surg. 2020 May 18;15(1):34.

⁹ Ashbrook M, Cheng V, Sandhu K, Matsuo K, Schellenberg M, Inaba K, Matsushima K. Management of Complicated Appendicitis During Pregnancy in the US. JAMA Netw Open. 2022 Apr 1;5(4):e227555

¹⁰ Joo JI, Park HC, Kim MJ et al. Outcomes of antibiotic therapy for uncomplicated appendicitis in pregnancy. Am J Med. 2017. 130:1467-1469

¹¹ Carstens AK, Fensby L, Penninga L. Nonoperative treatment of appendicitis during pregnancy in a remote area. AJP Rep. 2018. 8:e37-e38

¹² Adamina M. et al. EAES rapid guideline: systematic review, meta-analysis, GRADE assessment, and evidence-informed European recommendations on appendicitis in pregnancy. Surg Endosc. 2022 Dec;36(12):8699-8712.

¹³ Хасанов А.Г. и соавт. Дифференцированная хирургическая тактика при остром аппендиците в различные сроки беременности // Пермский медицинский журнал, 2015, 32 (5). С.6-11.

боғлиқлигини ҳисобга олиш керак¹⁴. Tumati A. ва ҳаммуал. (2021) 10 йил давомида очик ва лапароскопик аппендэктомия ташрихи ўтказилган 1006 нафар ҳомиладор аёлларни қамраб олган катта ҳажмли популяцион тадқиқотида лапароскопик усул очик усулга нисбатан ҳомиладорликнинг ҳар қандай триместрида афзалликка эга эканлигини таъкидлаб ўтганлар¹⁵, бироқ ҳомиланинг нобуд бўлиши фақатгина лапароскопик амалиёт ўтказилган аёлларда кузатилганлиги ушбу хулосани шубҳа остига олади. Турбин М.В. ва ҳаммуал. (2021) эса, ҳомиладорлик давридаги ўткир жарроҳлик патологиясида лапароскопик кириш йўли хавфсиз ва самарали деб ҳисоблайди¹⁶. SAGES (Society of American Gastrointestinal and Endoscopic Surgeons) томонидан 2024 йилда чоп этилган тавсиялари кўра, ҳомиладорларда агар бачадон туби киндик остида жойлашган бўлса лапароскопик усулни қўллаш мақсадга мувофиқ, киндик устида жойлашган тақдирда лапароскопик аппендэктомия техник жиҳатдан қийин бўлиши ва очик ёки лапароскопик усулни танлаш қарори жарроҳ ихтиёрида қолади¹⁷.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан ўткир аппендицитни ташхислаш ва даволашга оид ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижалари нашр қилинган. Жумладан, Хаджибаев Ф.А. ва ҳаммуал. (2022) ўткир аппендицитнинг атипик ва кам учрайдиган шаклларида қўлланилган мавжуд диагностик шкалаларни таҳлил қилган ҳолда Alvarado шкаласидан фойдаланиш шифохонада қолиш муддатларини қисқартиришга, “салбий” аппендэктомиялар сони ҳамда ЎА асоратларини камайтиришга имкон бериши, аммо ҳомиладорликнинг 2-3-триместрларида шкала бўйича етарлича балл йиғилмаслиги сабабли беморда ЎА борлигини аниқ айтиш имконсиз эканлигини таъкидлаганлар¹⁸. Камалов С.Ж. ва ҳаммуал. (2023) томонидан ўткир аппендицитда биоимпедансометриянинг имкониятлари ўрганилиб, ушбу усул организмдаги сув мувозанатининг бошланғич бузилишлари хусусида объектив маълумотлар олишга имкон бериши аниқланган¹⁹. Акилов Х.А. ва ҳаммуал. (2019) ўткир аппендицит ва унинг асоратлари кузатилган 6256 нафар болаларни даволаш натижаларини тақдим қилганлар²⁰. Аммо охириги йилларда айнан ЎА кузатилган ҳомиладорларни ташхислаш ва даволашга оид тадқиқотларнинг камлиги туфайли объектив натижаларни таҳлил қилиш мураккаб ҳисобланади.

¹⁴ Kozan R, Bayhan H, Soykan Y, Anadol AZ, Sare M, Aytac AB. Acute Appendicitis in Pregnancy: How to Manage? Sisli Etfal Hastan Tip Bul. 2020 Dec 11;54(4):457-462.

¹⁵ Tumati A. et al. Pregnant patients requiring appendectomy: comparison between open and laparoscopic approaches in NY State. Surg Endosc. 2021 Aug;35(8):4681-4690

¹⁶ Турбин М.В. и др. Лапароскопия при острой хирургической патологии у беременных // Вестник ВолГМУ. 2021; 3(79). С.124-127

¹⁷ Kumar S.S. et al. SAGES guidelines for the use of laparoscopy during pregnancy (2024). Surgical endoscopy, 10.1007/s00464-024-10810-1.

¹⁸ Хаджибаев Ф.А., Каримов Д.Р., Мадиев Р.З. Диагностические шкалы острого аппендицита при атипичных и редких формах // Вестник экстренной медицины, 2022, том 15, № 2. С.70-74

¹⁹ Камалов С.Ж., Мавлянов Ф.Ш., Мавлянов Ш.Х. Возможности анализа биоимпеданса у больных острым аппендицитом // Журнал “Проблемы биологии и медицины”, 2023, №4 (146). С.56-59

²⁰ Акилов Х.А., Урманов Н.Т., Примов Ф.Ш., Джураев Ж.А., Хаджаров Н.Р. Опыт лечения острого аппендицита в Ташкенте // Детская хирургия, 2019; 23(3). С.157-160.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳомиладорларда ЎА ни ташхислаш ва даволашда эришилган сезиларли ютуқларга қарамай, ҳомиладорларда ўткир аппендицитда оптимал ташхисот усуллари кўллаш ва хирургик тактикани танлаш борасида жаррохлар орасида ягона консенсусга эришилмаган. Шу муносабат билан, ҳомиладорларда ўткир аппендицитда ташхисот-даволаш алгоритмини оптималлаштириш, кам инвазив хирургик кириб бориш усуллари ишлаб чиқиш ва клиник самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, ҳомиладорлик даврларига боғлиқ ҳолда хирургик тактикани танлашни мақбуллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Юқорида таъкидланган муаммоларни ҳал қилиш ушбу тадқиқотни ўтказишга тўртки бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ 01.2000.267-сон “Инсон хирургик касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишда илғор технологияларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган (2022-2024 й.).

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладор аёлларда ўткир аппендицитни ташхислаш ва хирургик даволашни такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ҳомиладор аёлларда ўткир аппендицитни ташхислашда патогномоник бўлган клиник, лаборатор ва инструментал текширувлар кўрсаткичларини аниқлаш;

ҳомиладор аёлларда ўткир аппендицитни ўзига хос клиник кечишини инобатга олган ҳолда ўткир аппендицитни ташхислаш ва даволаш алгоритмини таклиф этиш;

ҳомиладорликнинг тули триместиларида кузатиладиган анатомик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда оптимал хирургик бориш усулини ишлаб чиқиш;

ташриҳ давомида ва ташриҳдан кейинги эрта даврда таклиф этилган ва анъанавий усуллар самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалида ўткир аппендицит туфайли ташриҳ ўтказилган 95 нафар ҳомиладор аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўткир аппендицит билан оғриган ҳомиладор аёлларни комплекс хирургик даволаш ҳамда амалиётдан кейинги яқин ва узоқ муддатлардаги натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёлларда ўткир аппендицитни ташхислаш ва даволаш усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

Ўткир аппендицит билан оғриган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг турли триместларида бемор ва ҳомила учун хавфсиз бўлган оптимал хирургик кириш усули ишлаб чиқилган;

лейкоцитоз, интоксикациянинг лейкоцитар индекси ва нейтрофиллар жавоб индекси кўрсаткичларига асосланиб, нафақат ўткир аппендицитни верификациялаш, балки унинг морфологик шаклини башоратлаш мумкунлиги исботланган;

клиник тадқиқот натижалари асосида ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг турли триместларида ўткир аппендицитни ташхислаш ва оптимал оператив даволаш усулини танлаш билан тавсифланувчи дифференциал хирургик тактика ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

ҳомиладорликнинг 2-триместрида аппендэктомия бажаришда асосий хирургик кириб бориш йўли - биз таклиф қилган методика бўйича бажарилган тери кесмалари, ҳомиладорликнинг 3-триместрда ўткир аппендицитни асоратланган деструктив турларида хирургик бориш йўли – ўрта чизикдан қилинган лапаротомия, ўткир аппендицитни асоратланмаган турларида эса – таклиф қилинган кесма орқали амалга оширилишининг клиник самарадорлиги исботланган;

ташхислашда лаборатор (лейкоцитоз, интоксикациянинг лейкоцитар индекси ва нейтрофиллар жавоб индекси) ва инструментал (УТТда ичакда суюқлик сатхи аниқланиши ва чувалчангсимон ўсимта диаметри катталаниши) текширувларнинг клиник нуқтаи назардан аҳамиятли бўлган ўзига хос жиҳатлари аниқланган;

ҳомиладорларда умумий клиник текширувлар ва бошқа инструментал ва лаборатор усуллар ёрдамида ўткир аппендицит ташхисини инкор этиш ёки тадиқлаш имкони бўлмагандагина шошилишч диагностик лапароскопия ўтказилиши оптимал муддатлари ва самарадорлиги аниқланган;

ҳомиладор аёлларда аппендэктомия ташриhini амалга ошириш учун ишлаб чиқилган хирургик кириб бориш усулининг афзалликлари клиник асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, функционал ва клиник текширувлар натижасида ўткир аппендицит билан оғриган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг турли триместрларида патологияни аниқлашда клиник, лаборатор ва инструментал текширувлар аҳамиятини, ташрих вақтида ҳомила ва беморда кузатилиши мумкин бўлган асоратлар механизмларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган клиник тадқиқотлар ўткир аппендицит ташхисланган ҳомиладор аёлларда аппендэктомия учун ишлаб чиқилган хирургик бориш усулини қўллаш ташрих вақтини қисқартиришга ҳамда асоратлар ривожланишини олдини олишга, яллиғланиш жараёни регрессини ҳамда яра регенерациясини таъминлашга, ташрихдан сўнгги тикланиш муддатларини қисқартиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳомиладор аёлларда ўткир аппендицитни ташхислаш ва хирургик даволашни такомиллаштириш усулларини қўллаш орқали даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Ҳомиладор аёлларда ўткир аппендицитни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижаларига кўра:

биринчи илмий янгилик: ҳомиладор аёлларда ўткир аппендицитни ташхислаш ва даволаш усулини танлаш учун ишлаб чиқилган алгоритм Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 22 октябрда бi-69/и-сон билан тасдиқланган “Ҳомиладорлик даврида ўткир аппендицитни даволаш натижаларини яхшилаш йўллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 2024 йил 14 октябрдаги 231/8-сон ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 2024 йил 10 октябрдаги 135-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/09-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: ҳомиладор аёлларда ўткир аппендицитни ташхислаш ва даволаш усулини танлаш алгоритми беморлар шифохонада ётиш ҳамда реабилитация муддатларини қисқартиришга ва муваффақиятли оператив амалиётлар улушини оширишга имкон беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: ўткир аппендицит билан оғриган 1 нафар ҳомиладор аёлнинг шифохонада 1 кунлик даволанишига доридармон, озик-овқат маҳсулотлари ва тиббий ашёлар учун жами 460000 сўм миқдоридagi давлат бюджети маблағлари сарфланади. Бир нафар ҳомиладор аёлни шифохонада бўлиш муддатини ўртача 2 кунга қисқартириш 920000 сўм давлат бюджети маблағлари иқтисод қилинишига имкон беради. Хулоса: ўткир аппендицит билан оғриган ҳомиладор аёлнинг шифохонада бўлиш муддатини ўртача 2 кунга қисқартириш ҳисобига тадқиқот кўлами бўйича (n=70) 64400000 сўм давлат бюджети маблағлари тежалишини таъминлайди.

иккинчи илмий янгилик: ўткир аппендицит билан оғриган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг турли триместларида бемор ва ҳомила учун хавфсиз бўлган ишлаб чиқилган оптимал хирургик кириш усули Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 22 октябрда бi-69/и-сон билан тасдиқланган “Ҳомиладорлик даврида ўткир аппендицитни даволаш натижаларини яхшилаш йўллари” номли услубий тавсиянома

мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 2024 йил 14 октябрдаги 231/8-сон ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 2024 йил 10 октябрдаги 135-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/09-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: ҳомиладор аёлларда аппендэктомия ташриhini амалга ошириш учун ишлаб чиқилган оптимал кам инвазив хирургик кириш усулини қўллаш беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилашга ва уларни реабилитация қилиш вақтини қисқартиришга имкон беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: Тавсия этилган усулдан фойдаланиш асоратларни олдини олиш имконини беради, қўшимча даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Стационар даволаниш учун энг кам харажат ҳар бир кун учун 275000 сўмни ташкил қилгани ҳолда, шифохонада қолиш муддатлари қисқариши ҳисобига 1 нафар беморга 1 кунда 275000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади. Хулоса: Тавсия этилган усул келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни камайтиради ва касалхонада бўлиш вақтини қисқартиради ҳамда тадқиқот кўлами бўйича ушбу усул қўлланилган 70 нафар беморларда 1 кун учун 19250000 сўм бюджет маблағлари тежалади;

учинчи илмий янгилик: лейкоцитоз, интоксикациянинг лейкоцитар индекси ва нейтрофиллар жавоб индекси кўрсаткичларига асосланиб, нафақат ўткир аппендицитни верификациялаш, балки унинг морфологик шаклини башоратлаш мумкунлиги исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 22 октябрда б1-69/у-сон билан тасдиқланган “Ҳомиладорлик даврида ўткир аппендицитни даволаш натижаларини яхшилаш йўллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 2024 йил 14 октябрдаги 231/8-сон ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 2024 йил 10 октябрдаги 135-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/09-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: ҳомиладор аёлларда лаборатор текширув натижалари асосида ўткир аппендицитни верификациялаш ҳамда унинг морфологик шаклини башоратлаш амалга ошириладиган ташрих хажми ва усулини тўғри режалаштиришга, натижада асоратлар сонини камайтиришга ва даволаш сифатини оширишга имкон беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: ўткир аппендицит билан оғриган 1 нафар ҳомиладор аёлнинг шифохонада 1 кунлик даволанишига дори-дармон учун жамаи 182000 сўм миқдоридаги давлат бюджети маблағлари сарфланади. Бир нафар ҳомиладор аёлни шифохонада бўлиш муддатини ўртача 2 кунга қисқартириш дори-дармон харажатлари ҳисобига 364000 сўм давлат

бюджети маблағлари иқтисод қилинишига имкон беради. Хулоса: ўткир аппендицит билан оғриган ҳомиладор аёлнинг шифохонада бўлиш муддатини ўртача 2 кунга қисқартириш дори-дармон харажатлари ҳисобига тадқиқот кўлами бўйича (n=70) 25480000 сўм давлат бюджети маблағлари тежалишини таъминлайди.

тўртинчи илмий янгилик: клиник тадқиқот натижалари асосида ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг турли триместларида ўткир аппендицитни ташхислаш ва оптимал оператив даволаш усулини танлаш билан тавсифланувчи ишлаб чиқилган дифференциал хирургик тактика Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 22 октябрда б1-69/у-сон билан тасдиқланган “Ҳомиладорлик даврида ўткир аппендицитни даволаш натижаларини яхшилаш йўллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 2024 йил 14 октябрдаги 231/8-сон ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 2024 йил 10 октябрдаги 135-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/09-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: ҳомиладор аёлларда ўткир аппендицитда ишлаб чиқилган дифференциал хирургик тактикани қўллаш хирургик ва акушерлик асоратлари частотасини камайтиришга, хаёт сифатини оширишга, шунингдек бемор ва ҳомила ўлими частотасини пасайтиришга имкон беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: Тавсия этилган тактикадан фойдаланиш асоратларни олдини олиш имконини беради, қўшимча даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Стационар даволаниш учун энг кам харажат ҳар бир кун учун 275000 сўмни ташкил қилгани ҳолда, шифохонада қолиш муддатлари қисқариши ҳисобига 1 нафар беморга 1 кунда 275000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади. Хулоса: Тавсия этилган тактика келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни камайтиради ва касалхонада бўлиш вақтини қисқартиради ҳамда тадқиқот кўлами бўйича ушбу усул қўлланилган 70 нафар беморларда 1 кун учун 19250000 сўм бюджет маблағлари тежалади;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодалаб берилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, иш натижаларини пробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Ҳомиладорларда ўткир аппендицит муаммосининг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида ҳомиладорларда ўткир аппендицит муаммосининг ҳолати бўйича замонавий тасаввурлар юзасидан тўпланган илмий ахборотларни пухта таҳлили, танқидий баҳоланиши ва тизимлаштириш ўтказилган. Ҳомиладорларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларининг эпидемиологик жиҳатлари, ҳомиладорларда ўткир аппендицитни ташхислашда лаборатор ва инструментал текшириш усуллари ҳамда ҳомиладорларда ўткир аппендицитни даволаш тактикаси оид замонавий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Ўтказилган адабиётлар таҳлили натижасида ечилмаган масалалар доираси ва уларни ечиш йўллари келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усуллариининг тавсифи»** тақдим этилган. Диссертация тадқиқоти Республика шошилич тиббий ёрдам илмий амалий маркази Андижон филиалида 2021-2023 йй. шошилич жаррохлик ва шошилич гинекология бўлимларида ҳомиладорликнинг турли даврларида ўткир аппендицит билан ташрих ўтказган 95 нафар беморларнинг текширув ва даволаш натижаларини таҳлиliga асосланган. Беморларни ёши 18 ёшдан 41 ёшгача, ўртача ёши $25,0 \pm 0,8$ ($Me=26$ ёш) ни ташкил этди. Ҳомиладорлик муддатлари 3-4 хафтадан 35-36 хафтагача бўлган.

Қиёсий таҳлил ўтказиш мақсадида тадқиқотдаги барча беморлар асосий (70 нафар) ва қиёсий (25 нафар) гуруҳларга ажратилган.

Гуруҳлардаги ташрих ўтказилган ҳомиладор аёлларнинг ёши ва ҳомиладорлик муддатига кўра тақсимланиши 1-жадвалда тақдим этилган.

1-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги ҳомиладор аёлларнинг ёши ва ҳомиладорлик муддатига кўра тақсимланиши

Ҳомиладорлик муддати	Ёши			Жами
	18-20 ёш	21-30 ёш	31-41 ёш	
Асосий гуруҳ				
1-триместр	14	16	2	32
2-триместр	10	10	6	26
3-триместр	2	8	2	12
Қиёсий гуруҳ				
1-триместр	4	6	2	12
2-триместр	3	3	2	8
3-триместр	-	3	2	5
ЖАМИ	33	46	16	95

Асосий гуруҳга ҳомиладорликни 1-триместрида бўлган 32 (45,7%), 2-триместрида 26 (37,1%) ва 3-триместрида 12 (17,1%) нафар беморлар киритилган. Уларда ўткир аппендицит ташхисини қўйишда анъанавий (клиник, параклиник ва лаборатор) текшириш усулларида ташқари, ташхислаш жараёнида УТТ ва лапароскопия текширувлари қўлланилган, аппендэктомия таклиф этилган усулда амалга оширилган.

Қиёсий гуруҳ, ҳомиладорлик даврларига мутаносиб 12 (48%), 8 (32%) ва 5 (20%) нафар беморлардан ташкил топган. Уларда ўткир аппендецит касаллигини стандарт текшириш усуллари ва анъанавий аппендэктомия қўлланилган.

Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган

Диссертациянинг учинчи бобида «**Ҳомиладорликнинг турли муддатларида ўткир аппендицит ташхисотининг ўзига хос хусусиятлари**» тақдим этилган.

Ҳомиладорликнинг I триместрида ўткир аппендицитни ташхислаш. Асосий гуруҳда 32 нафар (35,5%), қиёсий гуруҳда 12 нафар (26,6%) бемор ҳомиладорликнинг I триместрида (1-13 хафта) ўткир аппендицит ташхиси билан даволанган. Ҳомиладорлар ёши 18-34 ёшни ташкил этган (ўртача $22,0 \pm 0,6$ ёш, $Me=22$ ёш). Шикоятлар бошланиши билан госпитализация орасидаги муддат 2-8 соат ($Me=4$ соат).

Қуйидаги 2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, ҳомиладорликнинг I триместрида асосий гуруҳда ҳам (71,8%), қиёсий гуруҳда ҳам (75%) аксарият холда ўткир аппендицитнинг катарал тури учраган, деструктив ўткир аппендицит асосий гуруҳда 21,8%, қиёсий гуруҳда 25% холатларда кузатилган (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқотдаги беморларда ўткир аппендицитнинг морфологик турларига кўра тақсимланиши (n=44)

Беморлар гуруҳи	Ўткир аппендицитнинг морфологик тури				Жами
	Яллиғла-нишсиз	Нодеструктив	Деструктив		
		Катарал	Флегмоноз	Гангреноз	
Асосий гуруҳ	2 (6,3%)	23 (71,8%)	5 (15,6%)	2 (6,3%)	32
Қиёсий гуруҳ	-	9 (75%)	2 (16,7%)	1 (8,3%)	12

Иккала гуруҳда ҳам беморлар шикоятлари эпигастрал, ўнг қовурға ости, ўнг ёнбош ва қориннинг пастки сохаларидаги оғриққа бўлган. Асосий гуруҳда 25 нафар (68,7%) беморда оғриқ эпигастрал сохада бошланиб, аста-секин сурилиб ўнг ёнбош сохага кўчган. Булардан 22 тасида ўнг ёнбош ва қорин пастки сохаларида мушаклар таранглашиши кузатилган. Юрганда оғриқ кучайиши катарал аппендицитда 7 нафарида (30,4%), деструктив аппендицитда 5 нафарида (85,7%) бўлган.

Асосий гуруҳда ҳомиладорликнинг I триместрида ўткир аппендицитнинг барча турларида энг кўп учраган белги Кохер-Волкович симптоми бўлган (78,1%). Шунингдек, яллиғланган чувалчангсимон

Ўсимтани силжиши ва эзилиши натижасида келиб чиқадиган белгилар: Ситковский (71,8%), Бартомье-Михельсон (71,8%), Ровсинг (78,1%), Раздольский (78,1%), Черёмский (75%), Ларош (68,7%), Барадулин (68,7%), Брендо (62,5%), Шёткин-Блюмберг (56,2%), Ризван (56,2%), Грегори (46,8%) белгилари кузатилди.

Қиёсий гуруҳдаги беморларда ҳам Кохер-Волкович симптоми, кўп учраган белги сифатида эътироф этилди – 75% ҳолатда кузатилди. Ровсинг (83,3%), Раздольский (83,3%), Черёмский (83,3%), Ситковский (75%), Бартомье-Михельсон (75%), Шёткин-Блюмберг (75%), Барадулин (66,6%), Брендо (50%), Ризван (50%), Ларош (50%), Грегори (50%) белгилари нисбатан камроқ кузатилди.

Ўткир аппендицитнинг флегмоноз ва гангреноз турларида иккала гуруҳ беморларида Шёткин-Блюмберг, Ситковский, Бартомье-Михельсон, Черёмский, Ровсинг, ҳамда Раздольский белгилари барча ҳолатларда кузатилди. Айтиб ўтиш жоизки, бу белгиларнинг ҳеч қайси бири патогномоник деб ҳисоблана олмайди ва уларнинг диагностик қиймати фақатгина бошқа кўрсаткичлар (лаборатор ва параклиник) билан аҳамиятли саналиши мумкин.

Тадқиқотдаги ҳомиладорликнинг I триместридаги беморларда кўйидаги параклиник белгилар кузатилган: тахикардия, кўнгил айнаши ва қайт қилиш, тана хароратини ошиши. Асосий гуруҳда ушбу белгилар 80,1% ҳолатларда, қиёсий гуруҳда – 83,3% ҳолатларда кузатилди. Бироқ, токсикоз фониди, ушбу белгилар ҳомиладорларда ўткир аппендицит ҳолати бўлмаганда ҳам қайд этилади (3-жадвал).

3-жадвал

Тадқиқотдаги ҳомиладорликнинг I триместридаги беморларда параклиник белгилар кузатилиши

Параклиник белги	Яллиғла-нишсиз	Катарал		Деструктив	
		Асосий (n=32)	Қиёсий (n=12)	Асосий (n=32)	Қиёсий (n=12)
Тахикардия	-	20 (86,9%)	5 (55,5%)	7 (100%)	3(100%)
Кўнгил айнаши	2(100%)	17 (73,9%)	8 (88,8%)	6 (85,7%)	3 (100%)
Тана хароратини ошиши	-	19 (82,6%)	6 (66,6%)	6 (85,7%)	3 (100%)

Тадқиқотдаги барча беморларга лаборатор текширувлар ўтказилган.

Тадқиқотдаги беморларда асосий гуруҳда $12,0 \times 10^9$ /л гача бўлган лейкоцитоз кўпроқ ўткир аппендицитнинг катарал шаклида (60,8%), деструктив турида эса атиги 42,8% кузатилган. Қиёсий гуруҳда бу тафовут янада катта – катарал аппендицитда бу кўрсаткич 88,8% ҳолатларда қайд этилган. Иккала гуруҳда ҳам $>12,0 \times 10^9$ /л ортиқ лейкоцитоз деструктив аппендицитда кўпроқ учраган: асосий гуруҳда (57,1%), қиёсий гуруҳда 100% ҳолатларда (4-жадвал).

4-жадвал

Тадқиқотдаги беморларнинг лаборатор кўрсаткичлари

Лаборатор кўрсаткич	Яллиғла-нишсиз	катарал		Деструктив	
		Асосий (n=32)	Қиёсий (n=12)	Асосий (n=32)	Қиёсий (n=12)
Лейкоцитоз					
10,0-12,0x10 ⁹ /л	2 (100%)	14 (60,8%)	8 (88,8%)	3 (42,8%)	-
>12,0 x 10 ⁹ /л	-	9(39,1%)*	1 (11,1%)	4(57,1%)*	3 (100%)****
ИЛИ			-		
0,5-1,5	2 (100%)	6 (26%)		2 (28,5%)	
>1,5	-	17(73,9%)* *		5 (71,4%)**	
НЖИ			-		
6,0-6,2	2 (100%)	8 (34,7%)		2 (28,5%)	
>6,2	-	15 (65,2%)****		5 (71,4%)****	

* $p=0,4$; ** $p=0,2$; *** $p=0,3$;

Ҳомиладорликнинг I триместрида клиник, параклиник ва лаборатор тадқиқотларга таянган ҳолда асосий гуруҳда 58,7%, қиёсий гуруҳда 63,2% кузатувларда ўткир аппендицит ташхисини ўрнатишга эришилди.

Диагностик алгоритмнинг иккинчи босқичи сифатида асосий гуруҳдаги барча беморларга УТ текшируви ўтказилган. УТТ ёрдамида 12 нафар (37,5%) беморда ўткир аппендицит белгиларини аниқлашга эришилди, улардан 7 нафариди катарал, 5 нафариди деструктив турдаги аппендицит ташхисланди (5-жадвал).

5-жадвал

Асосий гуруҳдаги беморларда УТТдаги абсолют ва нисбий белгилар кузатилганлиги

УТ белги	Катарал	Деструктив
Чувалчангсимон ўсимта диаметри		
> 6 мм*	2 (28,5%)	3 (60%)
< 6 мм	5 (71,4%)	2 (40%)
Чувалчангсимон ўсимта девори қалинлиги		
> 2 мм**	5 (71,4%)	5 (100%)
< 2 мм	2 (28,5%)	-
Ингичка ичак девори қалинлашиши	2 (28,5%)	-
Ичакда суюқлик даражаси мавжудлиги	4(57,1%)	5 (100%)
Ичак атонияси	4(57,1%)	5 (100%)

УТТда диаметри 6 мм дан каттароқ чувалчангсимон ўсимта аксарият ҳолларда ўткир аппендицитнинг деструктив шаклида кузатилади (60%), катарал шаклида эса фақат 28,5%ни ташкил этган.

Ҳомиладорликнинг 1 триместрида ўткир аппендицитга гумон қилинган ва 2-4 соат ичида клиник, лаборатор ва УТТ текшируви билан ташхисга аниқлик киритиш имкони бўлмаган 10 нафар ҳомиладор аёлга диагностик лапароскопия ўтказилган.

Лапароскопик текширувда барча беморларда чувалчангсимон ўсимта, ичак, бачадон ва тухумдонларни кўриш ва баҳолашга эришилди. Диагностик лапароскопия ўртача 20-30 дақиқа давом этган. Бевосита муолажа давомида ва ташрихдан кейинги даврда асоратлар кузатилмади. Ўткир аппендицитнинг бевосита белгилари 12 та, билвосита белгилари 5 нафарда аниқланди. Бир қатор беморда бир нечта белги аниқланган.

Ҳомиладорликнинг II триместрида ўткир аппендицитни ташхислаш. Асосий гуруҳда 26та (28,9%), қиёсий гуруҳда 8та (17,8%) бемор ҳомиладорликнинг 2-триместрида бўлган. Беморлар ёши 19-41 ёш бўлиб, ўртача ёши $24 \pm 0,8$ ёшни ($Me=25$ ёш), госпитализация муддатлари 4-18 соатни ($Me=11$ соат) ташкил этди.

Ҳомиладорликнинг 2-чи триместрида асосий гуруҳда ўткир аппендицитнинг катарал шакли 42,3%, деструктив шакли 50% ҳолатларда учраган. Қиёсий гуруҳда катарал ва деструктив шаклдаги аппендицит учраш частотаси бир хил бўлди (50%). Асосий гуруҳда 16 нафар (61,5%) беморда оғриқ эпигастрал соҳада, 12 (46,1%) нафарида ўнг ёнбош ва қорин пастки қисми соҳаларда бошланган. Ушбу гуруҳдаги 10 нафар (38,4%) беморда қорин мушакларининг химоявий таранглиги кузатилган.

Ҳомиладорликнинг 2 триместрида оғриқли белгилар аппендицитнинг деструктив шаклида яққолроқ намоён бўлаганлигини сабаби ҳомиладорлик муддатини ошиши, пальпатор текширув қийинлашиши, яллиғланган чувалчангсимон ўсимтани силжиши ва эзилиши билан боғлиқ. Масалан Кохер-Волкович белгиси 1 триместрда 78,1%, 2 триместрда 65,3% ҳолатларда, қорин олди девори таранглашиши 1 триместрда 68,7%, 2 триместрда 38,4% кузатувларда аниқланди.

Оғриқ синдромидан ташқари қўйидаги белгилар ҳам кузатилди: Черёмский (84,6%), Бартомье-Михельсон (76,9%), Ситковский, Грегори (73%), Барадулин (65,3%), Ларош (61,5%), Раздольский (57,6%), Брендо, Ризван (53,8%), Ровсинг (50%), Шёткин-Блюмберг (46,1%) белгилари.

Ҳомиладорликнинг 2 триместрида параклиник белгилар (кўнгили айниши, тана хароратининг ошиши, тахикардия) 76,9% кузатувларда учраган ва клиник ва лаборатор усуллар билан бир қаторда ташхислашдаги кўшимча маълумот сифатида қўл келган. Асосий гуруҳда $10,0-12,0 \times 10^9/\text{л}$ чегарасидаги лейкоцитоз $10,0$ до $12,0 \times 10^9/\text{л}$ ҳам катарал, ҳам деструктив шаклдаги аппендицитда бир хил частота билан учраган. Кўрсаткич $14,0 \times 10^9/\text{л}$ дан юқори бўлган кузатувлар эса фақат маҳаллий ва тарқоқ перитонит билан асоратланган деструктив аппендицитда учради. ИЛИ кўрсаткичи $>1,5$ дан, НЖИ кўрсаткичи $>6,2$ юқори бўлиши деструктив ва асоратланган аппендицитдаги барча беморларда кузатилган. Бу дегани, лейкоцитоз, ИЛИ ва НЖИ кўрсаткичларига асосланиб, нафақат ўткир аппендицит борлиги, балки унинг морфологик шакли ҳақида гапириш мумкин.

Шундай қилиб, клиник, параклиник ва лаборатор кўрсаткичлар асосида асосий ва қиёсий гуруҳларда 62,6% кузатувларда ўткир аппендицитни верификациялаш имкони бўлган.

Ўрганилган УТ бевосита белгилари (деворлар қалинлишиши, ичакда суюқлик сатхи аниқланиши ва чувалчангсимон ўсимта диаметри катталаниши) ўткир аппендицит ташхисини қўйишда клиник аҳамиятли ва унинг деструктив шаклларида кўпроқ учрайди дейишимиз мумкин.

Ўткир аппендицит ташхисини биринчи 2-4 соат ичида клиник, лаборатор ва УТТ ташхислаш усуллари ёрадида тасдиқлаш ёки инкор этиш имкони бўлмаса, бу диагностик лапароскопияга кўрсатма деб ҳисобланган.

Бевосита лапароскопик белгилар 5 нафар (19,2%), билвоситалар 3 (11,5%) нафарида аниқланди. Манипулятор (5 мм) 2 та беморда қўлланилди, бунинг учун манипуляторни лапароскопик назорат остида ўнг ёнбош соҳадан киритилган.

Ҳомиладорликнинг III триместрида ўткир аппендицитни ташхислаш. Асосий гуруҳдаги 12 (13,3%) нафар бемор, қиёсий гуруҳда 5 (11,1%) нафар бемор ҳомиладорликни 3 триместрида бўлган. Беморлар ёши 19 дан 34 гача, ўртача ёш $25,0 \pm 0,8$ (Me=25) ёшни ташкил этган.

Ўткир аппендицитнинг деструктив шакллари (83,3%), катарал аппендицитга (16,6%) нисбатан кўпроқ учрайди. Гангреноз кўринишдаги аппендицит ташхисланган 3та кузатув чувалчангсимон ўсимта перфорацияси ва тарқоқ перитонит билан асоратланган.

Қиёсий гуруҳда ҳам ўткир аппендицитнинг деструктив шакллари (80%), катарал аппендицитга (20%) нисбатан кўпроқ учраган. Асосий гуруҳдаги 3 та (25%) беморда оғриқлар эпигастрал соҳада, 9 тасида (75%) ўнг ёнбош ва қорин пасти соҳаларида бошланган.

Ҳомиладорликнинг 1 ва 2 триместрлари билан таққосланганда, 3 триместрда оғриқ аксарият ҳолда (75%) қориннинг пастки соҳаларидан бошланган. Яна бир эътиборли тарафи, деструктив аппендицит бу гуруҳда кўплигига карамасдан мушак химоя таранглиги белгиси фақатгина 33,3% ҳолатда, юрганда оғриқ кучайиши эса 75% кузатувда қайд этилган.

Асосий гуруҳда Бартомье-Михельсон, Грегори (83,3%), Шёткин-Блюмберг, Ситковский, Черёмский (75%), Барадулин (58,3%), Брендон, Ларош (41,6%) Ризван (33,3%), Ровсинг, Раздольский (25%) патологик белгилари аниқланди. Кўриниб турибдики, ҳомиладорликнинг 1 ва 2 триместрида клиник аҳамият касб этган айрим белгилар (Шёткин-Блюмберг, Ситковский, Бартомье-Михельсон, Черёмский, Ровсинг, Раздольский) 3 триместрда камроқ учраган. Махаллий оғриқ симптомларини аниқроқ белгилаш учун, текширувни беморни чап ёнбошига ётказилиб ўтказилди (шунда ҳомиладор бачадон чапга силжиши ҳисобига илиоцекал бурчак пайпаслаш учун очилади).

Асосий гуруҳда параклиник белгилар 83,3%, қиёсий гуруҳда 86,6% ҳолатларда кузатилган. Бунга асосланиб 1 ва 2 триместрга нисбатан 3 триместрда ушбу белгилар, ўткир аппендицит ташхисини қўйишда клиник аҳамиятли дейишимиз мумкин.

Лейкоцитларнинг $10,0-12,0 \times 10^9/\text{л}$, ИЛИ $0,5-1,5$ ва НЖИ $6,0-6,2$ кўрсаткичлари асосий гуруҳда ҳам деструктив, ҳам катарал ўткир аппендицитда кузатилган, лейкоцитларни $>12,0 \times 10^9/\text{л}$, ИЛИ $1,5$ дан, НЖИ $6,2$ дан дан ортган ҳолатлар эса фақат деструктив шаклларида қайд этилган. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, лейкоцитоз, ИЛИ ва НЖИ кўрсаткичларига асосланиб нафақат ўткир аппендицит мавжудлиги, балки унинг морфологик шакли ва яллиғланиш жараёни жадаллиги ва кечиши ҳақида тахмин қилиш мумкин.

Тадқиқотдаги ҳомиладорликнинг 3 триместридаги беморларнинг $66,6\%$ клиник, параклиник ва лаборатор тадқиқотлар асосида ўткир аппендицит ташхиси қўйилди.

Ҳомиладорликнинг 3 триместрида асосий гуруҳдаги 12 нафар беморга УТТ ўтказилди ва улардан 4 нафарида ($33,3\%$) ўткир аппендицитнинг абсолют ва нисбий белгилари аниқланди.

Чувалчангсимон ўсимта диаметри 6 мм дан, унинг девори қалинлиги 2 мм дан ортиқлиги, ичакда суюқлик сатхи аниқланиши ва ингичка ичак атонияси клиник аҳамиятли белгилар бўлиб, ҳомиладорликнинг 3 триместрида ўткир аппендицитнинг фақат деструктив шаклларида кузатилади.


Ҳомиладорларда ўткир аппендицитни ташхислаш алгоритми. Оғриқнинг давомийлиги ва ҳомиладорлик муддатига қарамасдан ўткир аппендицитни клиник тасдиқланган ташхиси зудлик билан хирургик аралашувни талаб қилади.

